

Абдулмоҳаммад шох

2022 йил "03" декабр

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Спортнинг якка кураш турларига ихтисослашган спорт мактаби номидан Низом асосида иш кўрувчи И.Хайдаров бир томондан ва кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб юритиладиган Залим ООУ номидан Низом асосида иш кўрувчи Тўрғунов. У иккинчи томондан мазкур шартномасини тузиб имзоладилар.

I. Шартнома предмети

1. Бажарувчи мазкур шартноманинг 1-иловасида келтирилган техник шартларга мувофиқ спорт инвентарлари етказиб бериш (кейинги ўринларда – ишларни бажариш) мажбуриятларини, Буюртмачи эса Бажарувчига бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартноманинг ___-иловасига мувофиқ Бажарувчи томонидан бажариладиган, энг яхши таклифларни танлаш савдоси натижасида аниқланиб, Харид комиссиясининг қарори (2022 йил 29.11 "185881"-сонли баённома) билан тасдиқланган ишлар қийматининг барча солиқлар шу жумладан ҚҚС билан ишларни бажариш қиймати _____ сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

маҳсулотлар сони Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

маҳсулотларни етказиш бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

2.3. маҳсулотларни етказиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Етказиб берувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. Етказиб берувчи нинг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича Етказиб берувчи мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган таварларни етказиб бериш ва ишларни бажариш учун:

Спорт инвентар маҳсулотларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

Спорт инвентар маҳсулотларини, етказиб бериш вақтида маҳсулотларга зарар етмаслиги, чора тадбирларини куриш, маҳсулотларни тулалигича нобуд булишидан муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда сифатли бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2 Етказиб берувчи мазкур шартнома бўйича барча маҳсулотларни ўз кучлари билан етказиши ҳамда маҳсулотларни фойдаланишга тайёр ҳолатда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулквий жавоб беради.

IV. Етказиб берувчи нинг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани шартларини бажариш учун Буюртмачи:

Маҳсулот етказилиши устидан доимий назоратни ва мазкур шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Етказиб берувчидан етказилган маҳсулотларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Етказиб берувчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

ушбу шартнома шартларига мувофиқ етказилган маҳсулотларни ҳақини Етказиб берувчига тўлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда сифатли бажариш мажбуриятини олади.

V. Етказиб берувчи муддатлари

5.1. Мазкур шартнома ғазначилик органида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар, бироқ тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қилади.

5.2. Етказиб берувчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

6.1. Буюртмачи Етказиб берувчи га шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 30 фоизи 19440002 сўм миқдорига маблағни олдиндан ўтказиб беради.

6.2. Шартнома бўйича ишларни бажаришнинг умумий қийматининг 70 фоизи 45360002 сўм тўлов Буюртмачи ва Етказиб берувчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб ишлар бажарилгандан кейин 10 (ўн) кун ичида амалга оширади.

6.3. Етказиб берувчи махсулот етказилиб Буюртмачига тўлиқ топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича махсулотларга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Махсулотлар Буюртмачига топширилгунга қадар махсулотларнинг тасодиқий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Етказиб берувчининг зиммасида бўлади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Етказиб берувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VII. Ишларни бажариш

7.1. Махсулотларни етказиш даврида махсулотлар зарарланган еки суний шикаст етказилган махсулотларни алмаштириш Етказиб берувчи томонидан амалга оширади.

7.2. Агар Буюртмачи Етказиб берувчи томонидан товар (хизмат)ларнинг сифатсизлигини аниқласа, у ҳолда Етказиб берувчи товар (хизмат)ларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

7.3. Агар Етказиб берувчи сифатсиз товар (хизмат)ларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Етказиб берувчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

7.4. Етказиб берувчи Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Етказиб берувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

8.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. Шартномани бекор қилиш

9.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин товар(хизмат)ларнинг келиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Бажарувчи томонидан 5 (беш) кундан кўп вақтга кечиктирилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9.2. Бажарувчи:

Товар(хизмат)лар Етказиб берувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Етказиб берувчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган ишларни 5 (беш) кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Етказиб берувчи га тўлайди.

9.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

9.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

9.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

X. Низоларни ҳал этиш тартиби

10.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарнинг юридик манзили бўйича иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XI. Алоҳида шартлар

11.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

11.2. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

11.3. Буюртмачи билан Етказиб берувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

11.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилди.

XII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Етказиб берувчи


Бажарувчи

Спортнинг яқин келажакда
турларига ИБСМ
мамури: Болалар 804ч
К/р: 10002186003401708362035003
УИИ: 207238934 МҲО: 00059
БСМ Республикаси Вақифини Вақиф
Марказий банк
ХККМ.
3001 90061010



Юрисб:

Замин ООО ИКЗМ
Манзил. Қўшабдор 8. Қишлоқ
Тел: 97 992-0016
К/р: 20208000105512877001
УИИ: 309442495 МҲО: 01037
Банк: Тош. ш. АТБ Қишлоқ
Қурилиш банк бош. бошқаруви



Рааб... Ишқабдиев